

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВ НОДИР ҚАЮМОВИЧ

**ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА
ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

УДК: 82-343(=512.133):81`255.2=111

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)
degree in Philology**

Рўзиев Нодир Қаюмович

Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржимасида
миллийликнинг ифодаланиши 3

Рузиев Нодир Қаюмович

Выражение национальности в английском переводе узбекских народных
легенд и преданий..... 23

Ruziev Nodir Kayumovich

The Expression of Nationality in the English Translation of Uzbek Folk Legends
and Narratives 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИЕВ НОДИР ҚАЮМОВИЧ

**ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА
ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.4.PhD/Fil2122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ражабов Дилшод Заришович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедов Ойбек Сапарбаевич**
филология фанлари доктори, профессор

Сатторов Улуғбек Файзуллаевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (223 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «13» декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил «13» декабрь даги 22-29 рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклорининг эпик жанрлар тизимида афсона ва ривоятлар алоҳида ўрин эгаллаб, ҳар бир халқнинг тарихи, жойлашув ўрни, турмуш тарзи, маданияти, эътиқодий қарашлари, илғор вакилларининг қаҳрамонона ҳаётини ўзида акс эттиради. Шу сабабли уларнинг жанрий табиати, генезиси, эпик сюжет ва мотивлари, мифологик ҳамда тарихий образларининг поэтик ифодаланишига хос хусусиятларни турли тизимли тиллар доирасида қиёсий-типологик очиш уларнинг таржимасида ҳозирги кунда долзарб бўлган эквивалентлик, адекватлик, бадий таржима усуллари, аслият ва таржима муносабати, маданиятлараро тафовутларнинг ифодаланишини яхлит ҳолда текшириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунё фольклоршунослигида афсона ва ривоятларнинг ўзаро муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, оғзаки насрга мансуб афсона, ривоят каби қадимий, оммавий жанрларнинг специфик хоссаларини белгилаш, эпик сюжет ва мотивларнинг тарихий асослари, типологик ва дифференциал хусусиятларини ойдинлаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу асосда ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржимасида миллийликнинг ифодаланиши, бадий тил, аслият ва таржима муносабати, таржиманинг лисоний услубий хусусиятлари, лексик, грамматик ва стилистик трансформациялар ҳақида қатор илмий тадқиқотлар юзага келишига имкон яратилди. Инглиз ва ўзбек халқлари фольклорида афсона ҳамда ривоятларнинг ўрнини, мифологик, тарихий, топонимик, маиший турларини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш уларнинг миф, эртак, нақл, латифа каби бошқа эпик жанрлардан фарқини ёки ўзаро генетик алоқадорлигини аниқлаш сингари масалаларга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида “юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш”¹ вазифаси таржимашунослик соҳасида ҳам кенг кўламли илмий изланишлар олиб боришни талаб этмоқда. Ҳозирги замон дунё таржимашунослигида турли минтақаларда яшаб, турли тилларда сўзловчи аҳолининг ўзига хос тарихи, маданияти, турмуш тарзи, анъаналарини акс эттирувчи афсона ва ривоятларнинг генезиси, поэтикаси, ўзбек тилидан инглиз тилига, инглиз тилидан ўзбек тилига таржимасида миллийликнинг ифодаланиши, уларни чет тилига таржима қилишнинг энг оптимал усуллари аниқлаш ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Афсона ва ривоятларни таржима қилишнинг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари, миллий-маданий, архаик-тарихий лексик бирликларнинг эквивалентлиги, уларни турли трансформация йўли билан таржима қилиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони /Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг С.Н.Азбелев, В.П.Аникин, М.Р.Халидова, В.Ф.Давидюк, В.К.Чистов, В.П.Кругляшова, Ю.М.Шеваренкова, Л.Л.Кушнарева, А.П.Липатова, Ю.С.Ланская, А.С.Майер, Д.Э.Басаев, Э.М.Алиева каби таниқли фольклоршунос олимлари томонидан афсона ва ривоят жанрларининг халқ оғзаки насри тизимида тутган ўрни, генезиси, жанрий белгилари ҳамда бадий-эстетик хусусиятлари ҳақида муҳим назарий фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.²

Ш. де Костер, Катерин Бриггс каби инглиз олимлари миф ва афсоналар муносабатини ўрганишган³.

² Азбелев С.Н. Проблемы международной систематизации преданий и легенд // Русский фольклор. – М.-Л.: Наука, 1966. – Т. X. – С.176-195; Аникин В.П. Художественное творчество в жанрах сказочной прозы // Русский фольклор. – Л.: Наука, 1972. – Т. XIII. – С.6-19; Халидова М.Р. Отражение мифологических воззрений в легендах и преданиях народов Дагестана // Жанры фольклора народов Дагестана. – Махачкала, 1979. – С.180-207; Давидюк В.Ф. Украинская мифологическая легенда и ее эволюция: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Минск, 1986; Чистов В.К. Русская народная утопия (генезис и функции социально-утопических легенд). – СПб., 2003; Кругляшова В.П. Предания и легенды Урала. – Свердловск, 1991; Шеваренкова Ю.М. Русская устная народная легенда в ее жанровых разновидностях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ижевск, 2002. – 190 с.; Кушнарева Л.Л. Христианские и мифологические сюжеты в сказочной прозе старообрядцев (семейских Забайкалья конец XIX – начало XX): Дисс. ... докт. филол. наук. – Улан-Удэ, 2004. – 246 с.; Липатова А.П. Местные легенды: механизмы текстообразования: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ульяновск, 2005. – 24 с.; Ланская Ю.С. Американская городская легенда в контексте постфольклорной: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2006. – 24 с.; Майер А.С. Московские городские легенды как исторический источник (историческая память и образ города): Автореф. дисс.... канд. истор. наук. – М., 2008. – 26 с.

³ Де Костер Ш. Легенда об Уленшигеле (перевод с английского Н.М.Любимова). – М.:Терра, 1997. – С. 474; Brigga K. British folk-tales and legends. – London and New York, 2002. – 415 p.

Бундан ташқари даргин, қалмиқ, бурят, озарбайжон, чуваш, қozoқ, бошқирд, туркман, қорақалпоқ афсона ва ривоятлари бўйича жиддий тадқиқотлар яратилган⁴.

Ўзбек халқ афсона ва ривоятлари К.Имомов, М.Муродов, С.Рўзимбоев, М.Жўраев, У.Жуманазаров, М.Раҳмонова, З.Жумаев, У.Сатторов, М.Ризоева каби фольклоршунослар,⁵ Г.П.Снесарев, Л.С.Толстова, В.Н.Басилов сингари этнологларнинг⁶ тадқиқотларида қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Ҳ.Юсупова тадқиқотида ўзбек афсона ва ривоятларнинг инглиз тилига таржимаси хусусида қисман маълумот берилган.⁷

⁴ Алиева Ф.А. Этнонациональные особенности даргинских преданий и легенд: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Махачкала, 2008; Басаев Д.Э. Калмыцкие народные легенды и предания: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2009. Малзурова Л.Ц. Бурятские легенды и предания: жанровая специфика, типология, художественные особенности: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2013. – 41 с.; Фарзалиев Т. К вопросу о понятии “легенда” и классификации азербайджанских легенд // Известия АН Азерб.ССР. Серия: литература, язык, искусство, 1978. – Т. III. – С. 32–41; Пашаев С.Х. Азербайджанские народные легенды и проблемы их исследования: Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Баку, 1989. – 58 с.; Ахмедов М.М. Семейно-бытовая тема в азербайджанских народных легендах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 2010; Ильина Г.Г. Несказочная проза в системе жанров чувашского фольклора: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ижевск, 2006. – 228 с.; Қасқабасов С. Қазақтың халық прозасы.– Алматы: Ғылым, 1981. – 272 б.; Надршина Ф.А. Башкирская народная сказочная проза: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Уфа, 1998. – 24 с.; Баймырадов А. Түркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – 164 б.; Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. II. – 355 б.; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – 492 б.; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аңыз екі дәрежелери. – Нөкис: Билим, 1996. – 340 б.; Бахадырова С. Қарақалпақ халық прозасы: миф, эпсана, аңыз // ӨзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – №1. – Б. 107 – 110; Алламбергенов К. Миф, ертеқ, аңыз хэм дәстан // Қарақалпақстан муғаллими. – Нөкис, 1995. – №3 – 4. – Б. 102-118; Хошаниязов Ж. Ҳәким ата туўралы аңызлардың дәўирлик белгилери хэм гейпара параллеллер // ӨзР ИАҚҚБ Хабаршы. – Нөкис, 2007. №4. – Б. 95 – 97; Керўенов Т.А. XIX әсир қарақалпақ поэзиясында миф хэм аңызлардың қолланылыўы: Филол. илим. докт. ... дисс. – Нөкис, 2016. – 221 б.; Алламбергенова И.Х. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 48 б.; Қалбаева Г.С. Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.; Беқимбетов А.М. Қорақалпоқ халқ афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва сюжет таркиби: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 52 б.

⁵ Имомов К. Генезис и поэтическая трансформация жанров узбекской устной прозы: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Тошкент, 1986. – 56 с.; Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.6-10; Имомов К. Этиологик афсоналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – 6-сон. – Б.42-44; Шу муаллиф. Мифологик афсоналар // Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.24-45; Муродов М. Афсоналарда шоир сиймоси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. – 4-сон. – Б.24-28-б.; С.Рўзимбоев ва Ш.Бекчанов. Афсона ва тарихий ҳақиқат. –Хива, 2000; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. –Тошкент: Фан, 1996.–57 б.; Шу муаллиф. Ўзбек самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1996. – 108 б.; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991; Жуманазаров У. Афсона ва ривоят жанрларининг ўзаро муносабатлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – 6-сон. – Б.43-47; Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 2003. –139 б.; Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 90 б.; Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари (ўрганилиши, ўзига хос хусусиятлари ва таснифи): Филол. фанлари номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 22 б.; Сатторов У.Ф. Ўзбек халқ топонимик ривоятлари (ўзига хос хусусиятлари ва таснифи): Филол. фанлари номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 24 б.; Ризоева М.А. Ўзбек халқ мифологик афсоналари (ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими) : Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 33 б.

⁶ Снесарев Г.П. Три хорезмские легенды в свете демонологических представлений // Советская этнография. – 1973. – № 1. – С.48-58; шу муаллиф. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средний Азии. – М.: Наука, 1983; Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья. – М.: Наука, 1984; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Наука, 1970.

⁷ Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011. – 149 б.

Бирок ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржимасида миллийликнинг ифодаланиши масаласи ҳали махсус монографик тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг “Ўзбек фольклорини жаҳон фольклори контекстида ўрганиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқ афсона ва ривоятларида миллийликни ифодаловчи этнолингвистик, лингвокультурологик бирликлар, лингвостилистик воситаларнинг инглиз тилига таржима усулларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек ва инглиз фольклорида афсона ва ривоят жанрлари генезиси, мавзуй гуруҳланишидаги лингвокультурологик мазмун-моҳиятини, лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш;

инглиз тилига ўгирилган ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг таржима тарихини, унга асос бўлган ижтимоий-психологик омилларни очиш;

ўзбек халқ афсона ва ривоятларида миллийликни ифодаловчи этнолингвистик, лингвокультурологик бирликлар, лингвостилистик воситаларни белгилаш;

ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржима қилиш тамойиллари ва трансформацион ҳолатларни аниқлаш;

ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглизча таржимасида миллийликни ифодаловчи этнолингвистик, лингвокультурологик, лингвостилистик воситаларни сақлаш усулларини белгилаб кўрсатиш;

афсона ва ривоятлар таржимасида лингвокультурологик ёндашувнинг аҳамиятини ойдинлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржима матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек халқ афсона ва ривоятларида миллийлик хусусиятларининг инглизча таржимада берилиш усуллари ва тамойиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, транспозитив, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, дескриптив ҳамда компонент методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек халқлари фольклорида афсона ҳамда ривоятларнинг қадимий, анъанавий жанрлар қаторида тавсифланиши, вужудга келиши жараёнида ва уларнинг табиатини белгилашда тарихий-фольклорий, бадиий-эстетик асосларнинг бирламчи, афсона ва ривоятларнинг умумфольклордаги ўрни, мифологик, тарихий, топонимик, маиший турларининг типологик хусусиятлари, вазифалари, концептуал мотивлари эса иккиламчи характерда эканлиги исботланган;

Ўзбек афсона ва ривоятларининг хорижлик сайёҳлар, олимлар томонидан ёзиб олиниши, ўрганилиши, таржима қилиниши, нашр этилиши тарихи даврий нуқтаи назардан ёритиш орқали таржимада қайта тиклаш жараёнининг баён этиш воситаларини сақлаш, муаллиф ва мутаржим овозининг яхлитлиги, умуминсоний жиҳатларнинг устуворлиги каби тамойиллар асосида кечиши далилланган;

қиёсланаётган тиллардаги афсоналарининг мавзуй гуруҳлари ўртасидаги муштараклик мифологик, топонимик, тарихий, маиший, табиат ва тақвим билан боғлиқ афсоналар мисолида намоён бўлиши ва улар ўртасидаги тафовутнинг тарихий шартланиш сабаблари аниқланган;

Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглизча таржимасида этнографик реалиялар компенсация, экспликация, генерализация, лексик-семантик алмаштириш каби *лексик*; тўлиқ мувофиқлик, қисман мувофиқлик ва номувофиқлик каби *морфологик*; пермутация, субституция, аддиция, тушириб қолдириш каби *синтактик* трансформация усулларининг функционаллик самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек халқ афсона ва ривоятларнинг инглизча таржимасида лексик (лексик-семантик алмаштириш, тушириб қолдириш, қўшиш) ва грамматик трансформациялар (гапларнинг бўлиниши, қўшилиши, грамматик ўзгартиришлар) ифодаси мисоллар орқали далилланган;

Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг бадий-услубий воситалари, таржимага маданиятнинг таъсири, миллий-маданий лексик бирликлар таржимасида адекват таржимага эришишнинг самарали методлари, трансформациялашув ҳолатлари аниқланган; лексик воситаларни ўгиришда эквивалентлик ва адекватлик тамойилларининг ўрни илмий баҳоланган;

Бевосита ва билвосита таржимада аслият тили мансуб халқнинг ментал жиҳатлари, урф-одат ва анъаналари таржима тили мансуб халқ билан мувофиқлик/номувофиқлик ҳолатлари белгиланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий тилшунослик ва таржимашунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, транспозитив, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, дескриптив ва компонент таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади; назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржимасида миллий-маданий лексик бирликлар, стилистик воситалар билан боғлиқ хусусиятларни очиш унинг бошқа халқлар фольклоридаги эпик жанрлар билан қиёсий-типологик

нуктаи назардан ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган илмий натижалардан олий ва ўрта таълим муассасаларида ўзбек фольклори, хусусан, афсона, ривоят жанрлари бўйича кенг маълумотларга эга бўлиш, уларга оид дарслик, ўқув қўлланма ва услубий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан инглиз ва ўзбек тилларида ўтказиладиган амалий машғулотларда, курс ва малакавий битирув ҳамда магистрлик ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг инглиз тилига таржимасида миллийликнинг ифодаланишини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек халқлари фольклорида афсона ҳамда ривоятларнинг қадимий, анъанавий жанрлар қаторида тавсифланиши, вужудга келиши жараёни ва уларнинг табиатини белгилаш билан боғлиқ хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-0-19919А “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 13 декабрдаги 88-87-3778/04-сон маълумотномаси). Натижада тарихий-фольклорий, бадиий-эстетик асосларнинг бирламчи, афсона ва ривоятларнинг умумфольклордаги ўрни, мифологик, тарихий, топонимик, маиший турларини типологик хусусиятлари, вазибалари, концептуал мотивлари эса иккиламчи характерда эканлиги юзасидан илмий хулосалар келиб чиқишига асос бўлган;

қиёсланаётган тиллардаги афсоналарининг мавзуй турлари ўртасидаги муштараклик мифологик, топонимик, тарихий, маиший, табиат ва тақвим билан боғлиқ афсоналар мисолида намоён бўлиши ва улар ўртасидаги тафовутнинг тарихий шартланиш сабаблари устиворлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 16 декабрдаги 389/1-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг мифологик, топонимик, тарихий мавзудаги ҳамда табиат ва тақвим билан боғлиқ ўзбек ва инглиз афсоналари ўртасидаги ўхшашликлар, уларни таржимада беришда линвокультурологик хусусиятларни эътиборга олишнинг аҳамияти ҳақидаги хулосаларидан фойдаланиш натижасида Қорақалпоқ фольклоршунослигида ҳам афсона ва ривоятларнинг ўрни, жаҳон халқлари оғзаки ижодидаги шундай жанрлар билан муштарак томонларига алоқадор илмий-назарий хулосалар чиқаришга эришилган;

Ўзбек афсона ва ривоятларининг хорижлик сайёҳлар, олимлар томонидан ёзиб олинishi, ўрганилиши, таржима қилиниши, нашр этилиши тарихи даврий нуқтаи назардан ёритилиши билан боғлиқ натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 декабрдаги 1/327 - сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотчи томонидан ўзбек афсона ва ривоятларининг хорижликлар томонидан ёзиб олинishi ҳамда ўрганилиши тарихи, ўзбек ва инглиз афсоналарининг мифологик, топонимик, тарихий, табиат ва тақвим билан боғлиқ мавзуй турлари ўртасидаги ўхшашликлар, уларнинг инглизча таржимасида миллийликни акс эттириш омиллари, сўз қўллаш билан боғлиқ мураккабликлар, миллий образ ва тасвир воситаларининг сақланиш даражаси борасида тавсиялар шакллантирилган; Тадқиқот маълумотлари асосида ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни илмий далиллар билан бойитилиб, кўрсатувнинг илмий-оммабоплик хусусияти орттирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорийланиши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Инглиз ҳамда ўзбек фольклорид афсона ва ривоятларнинг ўрни, типологияси**” деб номланган бўлиб, икки фаслдан таркиб топган. “*Ўзбек афсона ва ривоятларининг хорижликлар томонидан ёзиб олинishi ҳамда ўрганилиши*” номли илк фаслда ўзбек афсона ва ривоятларининг хорижлик сайёҳлар, турли соҳа олимлари томонидан ёзиб олинishi, ўрганилиши, чоп этилиши масалалари ёритилган. Маълумки, Ўрта Осиёда жуда қадимдан яшаб келаётган ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётига дунё халқлари қадимдан қизиқиб, улар ҳақида кўпроқ билиш, ўрганиш учун сайёҳ сифатида ўлкага ташриф

буюришган. Улар халқнинг тарихи, маданияти, дунёқараши ва эътиқодий қарашлари акс этган қадимги афсона ва ривоятларни тўплаш орқали ҳам бу халқни билишга интилишган. Бу борада қадим юнон тарихчиси Херодотнинг (мил.ав. 490/480 – 430/424) юнон-форс урушлари ҳақида маълумотлар жамланган “Тарих” китобидаги “Тўмарис” ривояти, Полиеннинг “Ҳарбий ҳийлалар” асаридаги “Широқ” ривояти, Арриан Флавийнинг “Искандар юриши” ва бошқа асарларидаги македониялик Искандарнинг Сўғдиёнага бостириб келиши, унга қарши Спитаменнинг мардонавор курашлари, Хорес Митиленский, Апеллодорларнинг тарихий асарларидан ўрин олган “Зариандр ва Одатида” ҳақидаги ривоятлар алоҳида эътиборни тортади. Шунингдек, қадимги афсона ва ривоятларга ишора қилувчи маълумотлар Страбоннинг (мил.ав. 64/63 – мил. 23/24 йиллари) 17 жилдлик “География” асарида, генуялик сайёҳ ва ёзувчи Марко Полонинг (1254-1324) “Марко Поло китоби”да ҳам учрайди. Айниқса, кастилиялик сайёҳ Руи Гонзалес Клавихонинг 1403-1406 йиллар давомида Самарқандда бўлиши ва Амир Темур ҳамда темурийларга доир кўплаб маълумотлар қаторида улуғ саркарда номи билан боғлиқ халқ афсона ва ривоятларини ҳам тўплаб, Европа бўйлаб тарқалишига имкон яратгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Айтиш мумкинки, бундай ишлар ҳар бир асрда давом этган. Масалан, XIV асрда шу мақсадда Ўрта Осиёга мўғул истилоси асоратларини ўз кўзи билан кўриш мақсадида ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Батута (тўлиқ исми Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ал-Лават ит-Танжий) “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асарида Чингизхон лашкарининг инсоният бошига келтирган фалокатлари, уларга қарши курашган халқ қаҳрамонлари, Хоразм, Урганч, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ҳақида маълумотларни, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Абу Абдулла ал-Бухорий сингари Шарқ мутафаккирлари тўғрисидаги ривоятларни, хоразмликларнинг меҳмондўстлик билан боғлиқ гўзал урф-одатларини ёзиб қолдирган.

Умуман айтганда, қадим тарихчилар ва сайёҳлар томонидан ёзиб олинган бизгача етказилган афсона ва ривоятлар, турли-туман урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлар туркий халқлар фольклори ҳамда унинг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек фольклорига бўлган қизиқишни ўзида намоён этади. Шуниси билан ўзбек фольклори Шарқ тамаддунида ўзига хос ўринга эга эканлиги аёнлашади.

Ҳозиргача Англия, Америка ва Германия давлатларида ўзбек фольклори намуналари таржимаси бўйича қирққа яқин манба нашр қилинган аниқланган.⁸ Бу таржималар таркибида немис ва инглизчада туркшуносларнинг ўзбек фольклорига эртақ, дoston, латифа, лоф жанрлари намуналари қаторида, албатта, афсона ва ривоятлар таржимасига ҳам алоҳида ўрин ажратишгани таҳсинга сазовордир. Бу, аввало, ўзбек фольклори намуналарининг хорижда кенг тарқалиши ва ўрганилишига кенг

⁸ Vambery A. “Scenes From the East” (Through the Eyes of a European traveler in 1860), Corvina, Kiads. – Budapest, 1979; Bowra C. Heroic Poetry. – London, 1961; Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946; Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasrutdin. – London, 1974; Schoolbraid G.M. The Oral Epic of Siberia and Central Asia. – Indiana, 1975; Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule. – USA: AACAR, 1989; Reihl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. – Hainsworth, 1989.

йўл очиши баробарида уларнинг дунёга тарқалишига ҳам замин яратгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек фольклорининг Ғарб туркшунослари томонидан Европа тилларига ўгирилиши ва ўрганилишида Ҳерман Вамбери, Анна Стронг, эр-хотин Чадвиглар, С.Баура, Ҳасан Паксой, Карл Райхл, Якоб Таубе ва Илза Сиртаутаснинг хизматлари катта бўлганини алоҳида қайд қилиш мумкин.

XIX асрнинг II ярмидан бошлаб Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши туфайли маҳаллий халқ фольклорига қизиқиш бирмунча фаоллашди. Ўлка ҳаётини ўрганиш учун келган Н.П.Остроумов, А.А.Диваев, В.В.Радлов, Ҳ.Вамбери, эр-хотин Наливкинларнинг тўпловчилик фаолияти орқали ўзбек халқининг мақол, топишмоқ, эртак, латифа, дoston, кўшиқ сингари жанр намуналари гарчи миссионерлик мақсадида бўлса-да, анчагина ёзиб олиниб, чоп этирилди.

Ўзбек фольклори намуналарининг инглиз тилига ўгирилиш жараёни XXI аср бошларида бирмунча жонланди. Бунда Тинчлик Корпуси кўнгиллиси Мерилин Петерсен ташаббуси билан тартиб берилган “Treasury of Uzbek Legends and Lore” (“Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва афсоналари хазинаси”, 2000) тўплами ўзбек халқ оғзаки ижодининг афсона, эртак, мавсум-маросим кўшиқлари, латифа ва халқ ўйинлари каби жанр намуналаридан амалга оширилган инглизча таржималарни қамраб олгани билан диққатни тортади.⁹

Умуман айтганда, ўзбек халқ афсона ва ривоятлари миллатимизнинг қадимий тарихи, ўзига хос анъаналари, ахлоқий-таълимий қарашлари, мард ва жасур ўғлонлари ҳақида яратилганлиги туфайли ҳамиша Шарқ ва Ғарб олимларининг, ижодкорларининг қизиқиш марказида бўлиб келган. Бунга, албатта, уларнинг ўзига хос бадий-эстетик таъсирчанлиги етарли асос бўлган. Табиийки, ўзбек фольклорининг бу жаҳоншумул шухрати бошқа халқлар қатори инглиззабон ижодкор ва олимларни ҳам бефарқ қолдирмаган. Шунинг учун у ҳақда жуда кўп инглиз олимларининг турли соҳаларга бағишланган илмий тадқиқотларида маълумотлар берилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шундай тадқиқотлардан бири америкалик олим Корлис Ламонтнинг 1946 йилда чоп этилган “The Peoples of the Soviet Union” (“Совет Иттифоқи халқлари”) китобидир. Унда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, шу ҳудуднинг каттагина қисмини эгаллаган ўзбекларнинг ҳаётини маиший-этнографик маълумотлар, миллий ўйинлар, афсоналар таржималари ҳам келтирилган.¹⁰

Туркийзабон мамлакатлар фольклорига муносабат Н.Чадвик, Г.Шулбрайт каби америкалик, Оксфорд университети профессори Ҳасан Паксой тадқиқотларида ҳам алоҳида кўзга ташланади. Уларнинг асарларида туркшунослик, туркий адабиёт, туркий халқлар фольклори қаторида ўзбек фольклори ва фольклоршунослиги таркибида афсона ва ривоятлар ҳақида ҳам қимматли мулоҳазалар учрайди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Инглиз ҳамда ўзбек фольклоридида афсона ва ривоятларнинг ўрни, табиати, генезиси, таснифоти*” деб аталган. Бу фаслда инглиз ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодида алоҳида, мустақил

⁹ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000.

¹⁰ Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946.

шаклда яшаб келаётган миф (асотир), афсона, ривоят, эртак, нақл, латифа сингари эпик турга мансуб, ҳикоя усулидаги оғзаки баёнга хосланган эпик жанрларнинг умумий хусусиятлари, генетик алоқадорлиги хусусида фикр юритилган. Уларнинг ҳар бирига хос хусусий ҳамда умумий белгилар қиёсий йўсинда кўрсатиб ўтилган. Муҳими, инглиз ҳамда ўзбек афсона ва ривоятлари генезиси, шакли, мазмунидаги айрим муштаракликлар белгилаб кўрсатилди. Жумладан, инглиз ҳамда ўзбек фольклорида афсона ва ривоятлар халқ эпик жанрларидан бири сифатида қаралади. Уларда эпик (халқона) руҳ ҳукмронлик қилади. Ҳар иккала жанр ахборот бериш вазифаси билан бир қаторда эстетик вазифа бажаради. Афсоналар ҳаётий воқеаларни ҳаёлий ўйдирмалар воситасида акс эттириши, таркибида мифологик образлар ва тушунчаларни сақлаб қолганлиги, тасвирда фантастиканинг ҳал қилувчи роль ўйнаши жиҳатидан ривоятлардан фарқ қилади. Ривоятлар ҳам афсоналар каби ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимий, анъанавий ва кенг тарқалган жанрларидан биридир. Улар ҳам бирор маълумот ҳақида тингловчига хабар бериш мақсадини кўзда тутиши, шакли жиҳатидан афсоналарга ўхшаб кетади. Яна улар сюжетининг содда ва оддий қурилиши билан ҳам афсоналарга яқин туради. Фақат уларда ғайриоддий, ғайритабиий воқеалар талқини учрамайди. Шунингдек, ривоятларда тасвирланган воқеалар тарихан аниқ вақт доирасида кечади.

Хуллас, бошқа ҳодисалар сингари афсона ва ривоят каби фольклор намуналари ҳам ўзига хос типологик хусусиятларга, тарихий келиб чиқиш илдизларига эга. Жумладан, улар орасида турмуш воқеалари, миллат тарихига оид реал далиллар асосида шаклланган афсона ва ривоят жанридаги асарлар алоҳида ўрин тутаяди. Негаки, улар таркибида реал образлар учраши, ҳаётийлиги, тарихийлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бундай фольклор намуналарининг бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамияти юксак бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбек ва инглиз афсона ҳамда ривоятларининг мавзуй турлари ўртасидаги ўхшашликлар”** деб номланган бўлиб, уч фаслга ажратилган. Бобнинг дастлабки фасли *“Мифологик афсоналар”* деб аталган. Бу фаслда фақат афсоналарнинг бир тури бўлган мифологик афсоналарнинг жанрий табиати, поэтик хусусиятлари ёритилган. Маълумки, афсоналар мазмун-мундарижасига кўра учга бўлинади. Булар: мифологик, топонимик ҳамда тарихий афсоналардир. Бу учала турдаги афсоналар инглиз ва ўзбек фольклорида баравар мавжуд.

Ўзбек халқ афсоналарининг сюжет таркибида туркий ва бошқа халқлар мифологияси билан боғлиқ кўплаб қадимий мотивлар сақланиб қолган. Бундай афсоналар *“мифологик афсоналар”* номи билан ажратилади. М.Жўраев ўзбек халқ афсоналарининг юзага келиши ва тадрижий тараққиёти *“ҳаётий воқелик – миф – афсона”* босқичларидан иборатлигини аниқлаган. Олимнинг ёзишича, афсона жанри қадимги мифнинг бевосита такрори ёки нусхаси эмас, воқеликни изоҳлаш, тушунтириш ва талқин қилишнинг янги усули маълум маънода мифологик дунёқарашнинг инқори сифатида юзага келган. Шундай экан, мифологик сюжетлар тўғридан-тўғри афсонага

айланмаган, яъни афсона мифологик тасаввур усулини бутунлай инкор этгани ҳолда унинг элементларини ўзига сингдириб юборган.¹¹

“BoiUghli” (“Бой ўғли”), “The Legend of Sumalak” (“Сумалак ҳақида афсона”), “The Legend of Mother's Milk” (“Она сути ҳақида афсона”) каби афсоналар маиший мавзуларда бўлса-да, мифологик афсоналарга мисол бўлади. Чунки бу афсоналарда бойқушнинг пайдо бўлиши, Наврўзга хос азиз ва муқаддас таом – Сумалакнинг келиб чиқиши, шунингдек, сибизға, рубоб, сурнай, чанг, дотор, карнай, доира сингари ўзбек халқи ишлатадиган миллий мусиқа асбобларининг яратилиши ҳақида ҳаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилинган.

Кейинги пайтларда айрим янгиликлар, инсон ақлу заковати асосида яратилган техника қудрати ҳақида яратилаётган “замонавий мифологик афсоналар” ҳам пайдо бўлмоқда. Уларни айрим олимлар “қўрқитмачоқ ҳикоялар” (“страшилки”) деб юритишмоқда.¹² Масалан, шундай шакл ва мазмундаги инглиз “замонавий миф”ларидан бирида илгак қўлли телба одамнинг яқинида машинада турган ўсмирларга ҳужум қилгани тасвирланади. Бу ҳозирги ё ўтмишдаги одамларнинг бошқа дунёлар билан ўзаро муносабатларини муҳокама қилишга уринишларидан далолат беради.

Франк де Каро айтганидек, “Аммо, ижтимоий контекстларда ишлатилган афсоналарда ҳақиқатга бўлган муносабат ҳар хил бўлиши мумкин; баъзи одамлар унинг ҳақиқатини қабул қилишлари мумкин, бошқалари эса буни рад этишлари мумкин, яна бирлари буни инобатга олсалар-да, ўзларига ишонмасликлари мумкин”.¹³

Шуниси борки, афсона ва ривоятларда эркак қаҳрамон ёки аёл қаҳрамон ёки тарихий характер марказий ўрин тутиши мумкин. Айрим афсоналарда сирли (мистик) объектлар ҳақида сўз боради. Йиртқич махлуқ ёки ҳайвонлар асосий элемент сифатида қабул қилинган юзлаб афсоналар мавжуд. Шаҳар афсоналари замонавийдир. Унинг бошланиши XIX асрга бориб тақалади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Топонимик афсона ва ривоятлар*” деб номланган. Афсона ва ривоятлардан аксариятининг сюжетини турли географик жойларнинг номи, табиат ҳодисалари, маиший-маданий турмуш предметлари, айрим тарихий шахс ва воқеаларга алоқадор уйдирмалар ташкил этади. Шунга кўра, уларнинг мазмун-мундарижаси ранг-баранглик касб этади ва тингловчиларни ўзига жалб қилади ҳамда олимлар томонидан топонимик ва тарихий афсонаю ривоятларга бўлиб ўрганилади.

Топонимик афсоналарда у ёки бу жой номининг келиб чиқиши ҳаёлий уйдирма орқали изоҳлаб берилади. Қизифи шундаки, аслида реал ҳаётда бу жойлар мавжуд бўлса-да, уларнинг келиб чиқишини изоҳлаш учун айтилган афсоналар, Аристотель тили билан айтганда, “ёлғон”, ҳаёлий уйдирма, бадий тўқимадан иборат бўлади. Бунга “The Fountain of Aiyub” (“Чашмаи Аюб”), “The Kizketgan Canal” (“Қизкетган канали”) кабилар мисол бўлади.

¹¹ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол. фанлари докт... дисс. – Тошкент, 1996. – Б.53.

¹² Капица Ф.С., Колядич Т. – М.: Русский детский фольклор. Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 316 с.

¹³ Франк де Каро. “Америка халқ эртаклари ва афсоналари антологияси”га кириш. – Роутледге, 2015. – Б.15.

Топонимик афсоналар ўзбек халқ тарихий афсоналарининг энг кенг тарқалган мавзуий турларидан биридир. “The Fountain of Aiyub” (“Чашмаи Аюб”) афсонасида сабр-тоқат тимсоли саналган Аюб пайғамбарнинг ўз сеҳрли хассаси билан ердан булоқ ҳосил қилиши ва шу ғаройиб булоқ сувидан шифо топиши, баданидаги яра-чақалари кўз очиб юмгунча тўкилиб кетиши баён этилади. Шу эпик мотив ҳикоянинг афсонавий табиатини белгилашга хизмат қилган.

“The Kizketgan Canal” (“Қиз кетган канал”) афсонасида ўзини сувга ташлаб ҳалок этган қизнинг ҳар маҳалда сув юзида пайдо бўлиши ёки сув остидан туриб овоз бериб туриши тасвирланган. Бу ҳаёлий уйдирма қадимги инсонларнинг ўлимдан сўнг қайта тирилишга, жон ўлса-да, руҳ абадий яшашига ишонч билан боғлиқ эътиқодий қарашларига асосланган.

Ҳозиргача ўзбекчадан инглизчага таржима қилинган афсоналар орасида топонимик ва тарихий афсоналарнинг таржимаси кўпроқдир. Чунки чет элларда ўлкамизнинг географик ўрнига, жаннатмакон табиатига, жасур ва мард ота-боболаримизнинг тантилигига, ботирлигига алоҳида қизиқиш билан қарашади. Топонимик афсоналар ўзбек халқ тарихий афсоналарининг энг кенг тарқалган мавзуий турларидан биридир.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “*Тарихий афсона ва ривоятлар*” деб номланган. Тарихий афсоналарда бирор тарихий шахс ёки тарихий воқелик ҳақида ҳаёлий уйдирма асосида ҳикоя қилинади. Масалан, жаҳонгир саркарда Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн), Нуҳ пайғамбар сингари тарихий шахсларнинг эпик биографияси талқин қилинган “The Legend of Alexander of Macedonia” (“Александр Македонский ҳақида афсона”), “The Serpent and the Swallow”, (“Илон ва Қалдирғоч”) каби афсоналарни мисол қилиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, тарихий афсона ёки тарихий ривоят деб кўрсатилган айрим қисқа ҳажмли оғзаки ҳикоялар маиший ёки касб-хунарлар ҳақида бўлиб, бизнингча, уларни М.Раҳмонова айтиб ўтганидек, маиший афсона ёки маиший ривоятлар дейиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга “The Khan and the Weaver” (Хон ва Тўқувчи), “The Lying Shepherd” (“Ёлғончи чўпон”), “The Brothers and the Three Sticks” (“Ака-укалар ва уч таёкча”), “The Master Potter” (“Уста Кулол”), “Wealth” (“Бойлик”), “The Sheep and Kashkir” (“Кўй билан Қашқир”) сингари оғзаки ҳикоялар мисол бўлади. Жумладан, “Wealth” (“Бойлик”) ривоятида шундай ҳикоя қилинади: “Once upon a time there was an old man who had three sons. Before he died he called his sons together, and told them that there was a sack of gold in the large field where the old man grew rice. Soon after the old man died, the sons wasted no time in digging up the entire field, but they could not find the gold. They were sorely disappointed. Finally they gave up. When winter came they were very hungry, because they had not planted the field with rice. In spring they planted rice, and in the summer they had a bountiful harvest, which they were able to sell at great profit. They realized that the gold, of which their father had spoken, was in the work of their hands and in the sacks of rice”.

Кўриняптики, ушбу ривоят матни қатъий композицияга эга эмас. У бор-йўғи уч эпизоддан ташкил топган. Ихчам сюжетда яратилган. Ҳатто у гўё тугалланмагандек, давоми бордек туюлади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбек халқ афсона ҳамда ривоятлари инглизча таржимасида миллийликни ифодалаш усул ва воситалари**” деб номланган. Боб икки фаслдан таркиб топган. Унинг “*Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг жанр ҳамда тил хусусиятларини инглизча таржимада сақлаш маҳорати*” деб номланган илк фаслида баъзан афсонанинг ривоят, ривоятнинг эса афсона деб, иккала алоҳида-алоҳида жанр номининг чалкаш қўллангани, уларнинг тилида учрайдиган айрим архаик, тарихий сўзлар, диалектизм ва фразеологизмлар, мақоллар, олқиш ва қарғишларнинг таржимада берилишига оид фикр-мулоҳазалар келтирилган. Масалан, Пол Бенжамин “Буюк ипак йўли” бирикмасини “Great Silk Road” деб, калькалани асосида ишлатган бўлса, мамлакатимиз номини “Ўзбекистон” / “Uzbekistan” кўринишида транслитерация усулида берган. Миллий матомиз номи бўлган “хонатлас” сўзини “Khan-Atlas” тарзида транскрипция усулида келтирган. “Хонатлас” номини “Silk of Kings” – хонлар атласи дея, калькаланган кўринишда изоҳлаган. Шу ҳақдаги ҳикояни эса “legend”, яъни “афсона” дея эътироф этган. Аммо Пол Бенжаминнинг “Хонатлас” (“The silk of kings”) ҳақидаги насрий ҳикояси “афсона” эмас, “ривоят” жанрига мос келади. Чунки бу ҳикояда баён қилинаётган воқелик хаёлий уйдирмага эмас, хаётий уйдирмага асосланган.

“Марғилон хони” – “King of Margilan” деб таржима қилинган. Бунда “хон” сўзи ўрнида “қирол” сўзининг берилиши мантиқан хато ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон давлатчилиги тарихида ҳукмдорларга нисбатан “қирол” атамаси ҳеч қачон ишлатилмаган, балки хон ёки амир атамалари қўлланган. Мутаржим “хон” сўзини “Khan” кўринишида ёзиб, ўзбек тилида бир ҳарф ва бир товуш асосида ифодаланадиган “х” – ундоши, чуқур тил орқа, сирғалувчи товуш ўрнида инглиз тилидаги “kh” (k+h) товушлар бирикмасини ишлатган. Бундай ҳолга кўп дуч келиш мумкин. Масалан, “Бухоро” топоними таркибидаги “х” товуши ҳам “Bukhara” тарзида ёзилиши маълум.

Бир ўринда “тўқув дастгоҳига” бирикмаси таржимада битта “loom” сўзи орқали берилган. Аниқроғи, сўз бирикмаси сўз билан ифода этилган.

Ўзбек афсона ва ривоятлари ё тўлиқ матн кўринишида, ё уларнинг мазмуни бирор бошқа бир матн ичида таржима қилиб берилгани кузатилади. Масалан, ўзбек халқининг “Қирқ қиз” ривояти “The amazon warriors. Kirk kiz”, яъни “Қирқ қиз Амазон жангчилари” деб таржима қилингани кишини таажжубга солади. Унда Samarkand, Kirk Kiz топонимлари транскрипция усулида таржимада берилган. “It was a strong and beautiful warriors” гапи таржимасида “шаҳар” сўзи аслиятда бўлишига қарамай, тушуриб қолдирилган. Матндаги Гавҳар исми Gauhar кўринишида транскрипция қилинган ва v – u билан алмаштирилган. Яна аслиятда мавжуд бўлмаган “Амазон” сўзи таржима матнига қўшилган. Аслиятда шунчаки жангчилар назарда тутилган. Таржимада эса “Амазон жангчилари” деб берилиб, жангчилар жинси конкретлаштирилган. Чунки “амазонка” деганда, қадимги жасур ва шижоатли аёл жангчилар тушунилган. Бунда аслиятдаги “Қирқ қиз” бирикмаси “Амазонлар, яъни “the Kirk Kiz Amazons” деб берилмоқда. “Амазонлар” сўзи ортиқчалик тамойили асосида қўшиб ишлатилмоқда. “Қўл жанги” бирикмаси ҳам таржимада “hand-to-hand combat”, яъни “қўлма-қўл жанг” кўринишида сўз қўшиш усули билан ўгирилгани кузатилади.

Тарихий афсона ва ривоятлар тилида историзмлар, яъни истеъмоли чегараланган қатламга алоқадор тарихий сўзлар алоҳида ўрин тутади. Юқорида бу жиҳатдан ҳарбий соҳага оид дубулға – ўтмишда фаолият юритган аскарларнинг бош кийими номи тилга олиб ўтилгани эътиборни тортади. Бу сўз инглизча таржимада “helmet” сўзи билан тўғри берилган. Аммо “саркарда” сўзининг “combat” деб берилишини тўлиқ оқлаб бўлмайди. Чунки бу сўз “commander” сўзи билан ҳам ифодаланади.

